

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/05.06.2020. В.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАР КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

КОСИМОВА ШАИРАХОН МИРЗАХАМИТОВНА

**ҚОВОҚНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ИСПАНСКАЯ 73 ВА ПАЛОВ КАДУ 268
НАВЛАРИГА УЧҚУН БИОСТИМУЛЯТОРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**02. 00. 10 – Биоорганик кимё
БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Косимова Шаирахон Мирзахамитовна

Қовоқнинг истиқболли Испанская 73 ва Палов каду 268 навларига Учкун биостимуляторининг таъсири..... 3

Косимова Шаирахон Мирзахамитовна

Влияния биостимулятора Учкун на перспективных сорта тыквы Испанская 73 и Палов каду 268. 23

Kasimova Shairaxon Mirzahamitovna

The influence of biostimulator Uchkun for perspective pumpkin's varieties as Spanish 73 and Palov kadu 268..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/05.06.2020. В.91.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАР КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

КОСИМОВА ШАИРАХОН МИРЗАХАМИТОВНА

**ҚОВОҚНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ИСПАНСКАЯ 73 ВА
ПАЛОВ КАДУ 268 НАВЛАРИГА УЧҚУН БИОСТИМУЛЯТОРИНИНГ
ТАЪСИРИ**

02. 00. 10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон - 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.2.PhD/B589 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимлик моддалар кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) www.guldu.uz ва «Ziyonet» ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратова Мохидил Рахимовна
Биология фанлари номзоди, доцент,

Расмий оппонентлар:

Алланиязова Мапруза Қдырбаевна
Биология фанлари доктори, профессор,

Бабаева Дилдора Туйгуновна
Биология фанлари номзоди, доцент,

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат агарар университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.В.91.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел. (99867) 225-42-75, факс (67) 225-40-42) e-mail: glsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел. (99867) 225-42-75, факс (67) 225-40-42) email: t_juraev@mail.ru

Диссертация автореферати 2023 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2023 йил « ____ » _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Х.Х. Қўшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., проф.

Т.А.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.ф.д., доц.

Н.Р. Хашимова.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ташқи стресс омилларга чидамлилигини ошириш ҳамда юқори ва сифатли ҳосил олиш муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган масалалардан ҳисобланади. Бу сони ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш асосида озиқ-овқат танқислиги билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган иқтисодий инқирозни олдини олиш имконини беради. Маълумки, дунё бўйича ўсимликларни ташқи биотик ва абиотик омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ёки синалаётган кимёвий препаратларнинг жуда катта миқдори (стимуляторлар, гербицидлар, ретардантлар ва бошқалар) мавжуд. Шу билан бирга ўсимликнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда ўсиш-ривожланишини идора этувчи ва биостимуляторлик хусусиятига эга бўлган табиий физиологик фаол моддаларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ўсимликларнинг ҳосил сифатини ошириш учун табиий физиологик фаол моддаларнинг таъсир этиш механизмини аниқлаш асосида экологик хавфсиз препаратлар яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада озуқабоп экинларнинг касалликларга нисбатан иммун тизими фаоллиги ҳамда ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини ошириш хусусиятларига эга бўлган препаратлар яратиш учун табиий физиологик субстанцияларни аниқлаш, табиий физиологик фаол бирикмалар асосида яратилган экологик зарарсиз ва ўсимликлар чидамлилигини оширувчи препаратларни аниқлаш ва уларнинг молекуляр тузилмалари ҳамда механизмларини таҳлил қилиш асосида амалиётда фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ўсимликларнинг экологик хавфсиз маҳсулотларини етиштиришда илмий ва инновация ютуқларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ташқи стресс омиллар таъсирига чидамлилигини молекуляр-генетик усуллар асосида бошқариш борасида алоҳида илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шунга кўра озиқ-овқат таъминотини ривожлантиришда аҳамиятга эга ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи ҳамда ташқи стресс омилларга чидамлилигини ошириш хусусиятига эга бўлган табиий бирикмалар асосида яратилган препаратларни аниқлаш ва амалиётган тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-рақамли Қарорининг Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича 3.3-

бандида, 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4406-сонли қарори, 2020 йил 18 майдаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ5995-сонли фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V.“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа давлатлари, Россия ва Хитойда қовоқ уруғидан мой олиш бўйича ишланмалар кенг жорий қилинганлигига қарамай, қовоқ етиштириш методологияси ва агротехникасида янги технологиялар, айниқса биостимуляторлар қўллаш, ҳосил миқдори ва сифатига таъсирини ўрганиш соҳасида олиб борилган ишлар салмоғи юқори эмас. Хорижда Т.А Akhtar, P. Surowiecki, H. Siekierska, M. Kania, K. Van Gelder, S. Y. Kamuro, S. Takatsuto, N.Ngoroyemoto, Sh. Gupta, M. Kulkarni, J. Finney, L. Xu, M. Sorrentino, D. Puglia, D. Pezzolla, G. Gigliotti, L. Torre, M.L Bartucca, Del. Buono, C.D. Pouher, J. M. Hughes, A. Daykin, I.M. Scott, D. Francis, D.R. Causton каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

МДХ давлатларида бу борада В.И. Андрейцов, А.П. Волынец, В.А. Хрипач, А.Л. Гринченко, А.Л. Белоконь, Л.М. Белоконь, В.П. Деева, Ж.Э. Мазец, Л.В. Хотылева, В.М. Чекуров, О.В. Мишукова, Е.В. Друганов, О.В. Михайлапова, Э.П. Серебряков, Г.В. Крышталь, А.Г. Нигматов, Г.М. Жданкина, О.А. Шаповал, И.П. Можарова, А.А. Коршуно, Н.Я. Григорьева, А.М. Моисеенков, И.В. Горького, И.В. Максимов, Р.М. Еаниев, Р.М. Хайруллинлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамізда биостимуляторлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимё институти, Биоорганик кимё институти ҳамда Гулистон Давлат университетида фаолият олиб борувчи А.А. Ахунов, Х.М. Шахидоятов, Х.А. Абдуазимов, Д.Н. Далимов, Ҳ.Ҳ. Қўшиев, Н.Қ. Хидирова, Б.А. Ураков, А.А. Умаров, Р.П. Закирова, К.М. Исмоилова, З.У. Абдукулов, Н.М. Маматкулова, Н.А. Аблакулова, З. Голубенко, Н.А. Абдурашидова, С.М. Тўраева, Э.Ч. Мустакимова, Ф.А. Ибрагимов, Г.О. Акбарова ва бошқа олимлар ҳиссасига тўғри келади.

Қовоқ етиштириш, унинг агробиологик, технологик хусусиятлари, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича С.Т. Азимова, Л.С. Адилханова, А.Н.

Бочарников, А.В. Гончаров, Т.Г. Гуцалюк, К.Е. Дютин, А.Г. Елацкова, С.М. Надежкин, В.А. Кравченко, М.Ж. Кизатова, Н.С. Омаркулова, Э.Т. Каумбаева, Ф. Белик, Н.С. Костомбаева, Г.Е Кобкова, В.Н. Калягин, С.Б. Хусид, К.И. Пангало А.Т. Лебедева, В.Э. Лазько, Н.И. Цибулевский., Лукомец С.Г ва бошқа олимлар изланишлар олиб борганлар.

Республикамизда ҳам поллизчилик бўйича бир қатор олимлар Х.Ч.Бўриев, В.Зуев, А.Абдуллаев, Р.Хакимов, А.Хакимов, А.Тошмухаммедовлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Поллиз маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси бўйича Ш.Э. Умидов, Б. Ҳайдаров, Д. Нортожиев, У.Х. Умаров, О.Абдурахмонов, И. Таджибекова ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Андижон вилояти иқлим-шароитида қовоқнинг истиқболли навларини танлаш, уруғчилигини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш” (2018-2019 йй) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий полиизопреноидлар асосида яратилган препаратларни қовоқ навларининг ташқи стресс омилларга чидамлилигини ошириш ва касалликларига таъсирини баҳолаш ҳамда ўсиш-ривожланишини авжлантириш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан борат:

қовоқ ўсимлигининг ўсиш ва ривожланишига биостимуляторлар таркибидаги полипренолларнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

қовоқ етиштиришда маҳаллий биостимуляторларни қўллаш ва оптимал миқдорини аниқлаш;

қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навларини етиштиришда биостимуляторларни қўллаш усулини ишлаб чиқиш;

биостимуляторлар таъсирида қовоқ меваси биокимёвий кўрсаткичлари ўзгаришларини қиёсий тадқиқ қилиш;

биостимуляторлар таъсирида қовоқ уруғининг сифати ва миқдорий кимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

маҳаллий биостимуляторлар асосида экологик тоза қовоқ етиштириш бўйича қўлланма ва тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навлари ҳамда Учқун, Вэрва, Госсипрен биостимуляторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети полиизопреноидлар асосида яратилган Учқун биостимуляторини қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навлари ўсиши ва ривожланиши босқичларида биокимёвий кўрсаткичларига ҳамда маҳсулдорлик ва маҳсулот сифатига таъсирини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида биокимё, биоорганик кимё, ўсимликлар физиологиясининг умум қабул қилинган тадқиқот методлари, ўсимликлар биотехнологияси усуллари ҳамда Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубий кўрсатмаси (1999), Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (2007) ва ВИР (1979) усуллари ҳамда Қовоқ навларининг миқдорий белгиларини статистик таҳлил қилишда SPSS-14 дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Учқун, Вэрва, Госсипрен препаратларини қовоқнинг вегетатив ривожланиш босқичларида биокимёвий кўрсаткичларига таъсир этиш хусусиятлари аниқланган;

Учқун биостимулятори таркибидаги полипренолларни қовоқ уруғининг униб чиқиши ҳамда ўсиш-ривожланиш босқичларида минерал моддаларнинг тўлиқ ассимиляцияси ва касалликларга чидамлилигини оширишда таъсири исботланган;

қовоқ етиштиришда маҳаллий биостимулятор Учқун препаратининг оптимал концентрацияси 0,01% ва ишлов беришнинг мақбул усули аралаш усул эканлиги аниқланган;

маҳаллий шароитда яратилган Учқун, Госсипрен ва референт Вэрва биостимуляторлари таъсирида қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навларининг ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлиги, меваси, уруғининг сифат ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Андижон вилояти шароитида қовоқ етиштириш учун юқори самарали, экологик хавфсиз, арзон, маҳаллий Учқун биостимуляторини қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида 2,5 га майдонга ва Сабзаёт полиз экинлари ва картошкачилик Андижон илмий тажриба станциясида 2,5 га майдонида қовоқнинг Испанская 73 нави уруғига экишдан олдин ивитиш усулида ва вегетация даврида гуллашидан олдин Учқун препарати билан баргларига пуркаш усули билан ишлов берилганда (аралаш усул), кўшимча ҳосилдорлик гектаридан 11,7 тоннани ташкил қилиши аниқланган;

Палов каду 268 нави уруғига экишдан олдин ивитиш усулида ва вегетация даврида гуллашидан олдин Учқун биостимулятори билан баргларига пуркаш усули билан ишлов берилганда (аралаш усул), ҳосилдорлиги ўртача 18,9 т дан 31,1 т маҳсулот олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади ва уларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Учқун биостимулятори таркибидаги полипреноллар таъсирида қовоқ уруғининг униб чиқишида минерал моддаларнинг тўлиқ ассимиляцияси натижасида ўсимлик ўсиш-ривожланишининг жадалланиши ва касалликларга чидамлилиги ортиши исботланиб, биостимуляторлар таъсирида қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навларининг ҳосилдорлиги, меваси, уруғининг сифат ва биокимёвий кўрсаткичлари ўзгаришлари қиёсий таҳлил қилинганлиги янги маҳаллий препаратлар яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ва Шаҳрихон тумани “Найнаво оқшоми” фермер хўжалиги далаларида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг ошганлиги, Учқун препарати таъсирида қўшимча ҳосилдорлик ўртача Палов каду 268 навида гектарига 12,2 т, Испанская 73 нави эса 11,7 т.ни ташкил қилгани ҳамда республикамизда тиббиёт ва озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган қовоқ ўсимлигига бўлган талабни қондиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қовоқ (*Cucurbita L.*) етиштиришда Учқун биостимуляторининг таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қовоқ навларининг ўсиш-ривожланиши ва ҳосилдорлигига полиизопреноидлар асосида яратилган препаратлардан №ВА-ФА-Ф7-006 “Сулфонилмочевиналар, триазинлар ва уларнинг гетероциклик аналоглари қаторида селектив пестцидларнинг янги авлодини синтез қилишнинг фундаментал асослари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳасида табиий бирикмалар асосида ўсимликларнинг ташқи стресс омилларга чидамлилигини оширувчи янги авлод препаратларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 7 апрелдаги №4/1255–784 сон маълумотномаси). Натижада, табиий физиологик фаол бирикмалар асосида экологик зарарсиз ҳамда биотик омилларга самарали ва танлаб таъсир этувчи биопестицидлар яратиш имконини берган;

Учқун препаратини ўсимликларнинг абиотик омилларга чидамлилигини ошириш хусусиятини аниқлаш натижалари асосида қўллаш меъёрлари ва мақбул ишлов бериш усулларида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Шаҳрихон тумани “Найнаво оқшоми” фермер хўжалиги далаларида ўртача шўрланган тупроқ шароитларида қовоқ ҳосилдорлигини ошириш мақсадида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг 2022 йил 28 январда 02/25-05/164-сон маълумотномаси). Натижада, қовоқнинг Палов каду 268 навидан гектарига ўртача 12,2 т, Испанская 73 навидан эса 11,7 т қўшимча ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-техник конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 3 та республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Биостимуляторларнинг турлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти” деб номланган биринчи бобида тадқиқот ишида фойдаланилган биостимулятор турлари, хусусиятлари, таснифи, физик-кимёвий хоссалари, улардан фойдаланиш бўйича хориж тажрибалари ҳамда Ўзбекистонда аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган чора тадбирлар доирасида биостимуляторлар ишлаб чиқариш бўйича олиб борилаётган илмий ва амалий ишлар ёритиб берилган.

Маълумки, ўсимлик биостимуляторлари учун юқори самарадорлик, ишлаб чиқариш учун мавжуд хом-ашё сероблиги ва препаратнинг экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиши энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Учқун биостимуляторининг фаол моддаси ғўза баргларида олинган. Препарат биологик фаол моддаларнинг стандартлаштирилган йиғиндисидан иборат бўлиб, унинг кимёвий таркиби *a*-токоферол, полиизопреноид спиртлар (полипrenoоллар), стероллар ва юқори алифатик спиртлардан иборат. Ушбу бирикмалар биргаликда, ҳам айрим ҳолатда юксак ўсимликлар ҳаётида муҳим функционал аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга. Шу билан бирга ушбу бобда илмий иш объекти бўлган қовоқнинг нав хусусиятлари классификацияси, дориворлик хусусиятлари, халқ хўжалигидаги аҳамияти, шу мавзуда олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича таҳлил натижалари баён этилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объекти, биостимуляторларнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш услублари, тупроқ иқлим шароити” деб номланган иккинчи бобида биологик кўрсаткичларни аниқлаш усуллари, тажриба тизими ва ўтказиш услубиятлари тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ, иқлим шароитлари, қовоқ етиштириш методикаси ёритиб берилган. Хусусан, тажриба сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти тавсияномасига асосан полиз экинларини етиштириш агротехникаси амалга оширилиб, 3 хил усулда: уруғлари экиш олдин ивитиш, гуллаш фазасидан олдин барглarga пуркаш ва аралаш (ивитиш ва пуркаш) усули билан ишлов берилди. Ҳосилни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар Доспехов методи бўйича дисперсион таҳлил қилишнинг математик усули билан қайта ишлаш бўйича амалга оширилди.

Диссертациянинг “Биостимуляторларнинг ўсимлик ўсиши, ривожланишига тадқиқ қилиш” деб номланган III-бобида Учқун, Госсипрен ва Вэрва биостимуляторларини ўсимлик ўсиши, ривожланишига таъсирини баҳолаш натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Тадқиқот услублари сифатида кимёвий, биокимёвий, агрокимёвий, биологик ва агротехнологик усуллардан фойдаланилди. Қовоқ навларига биостимуляторлар билан аралаш усулда ишлов берилганда энг юқори натижалар олинди. Шунинг учун кейинги йилларда барча тадқиқотларимизда шу усулдан фойдаландик.

Ўтказилган тажрибалар натижасида Учқун препаратининг ўсимликни симподиал шохларининг кўпайиши ва генератив органларнинг шаклланишига ижобий таъсири аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Қовоқ навларининг ўсиш ва ривожланишига Учқун биостимуляторининг таъсири (аралаш усул, 2020 й.)

№	Вариантлар	Бўйи, см	Мева сони (дона)	Мева масса-си (кг)	Уруғ сони (дона)	1000 дона уруғ вазни	Касалланган ўсимлик сони
Испанская 73							
1	Назорат	180±0,13	1,6±0,11	2,33±0,16	146±0,15	335,3±0,11	5
2	Госсипрен1л/г	207±0,16	2,1±0,13	2,73±0,15	148±0,15	344,6±0,18	2
3	Учқун 1л/г	230±0,15	2,2±0,17	2,84±0,13	155±0,17	353,9±0,16	0
4	Вэрва5л/г	225±0,11	2,1±0,15	2,83±0,18	150±0,15	345,6±0,18	1
Палов каду 268							
1	Назорат	180±0,11	1,6±0,32	2,36±0,16	245±0,11	125,5±0,183	5
2	Госсипрен1л/г	188±0,16	2,1±0,13	2,78±0,15	246±0,15	135,6±0,18	2
3	Учқун 1л/г	225±0,15	2,2±0,16	2,87±0,17	259±0,14	145,6±0,15	0
4	Вэрва5л/г	224±0,31	2,1±0,15	2,84±0,15	247±0,15	134,6±0,18	1

Жадвалда келтирилган натижалардан кўриш мумкинки, биостимуляторлар таъсирида иккала навда ҳам мевалар сони, массаси ва мева уруғларининг массасини ортиши кузатилган. Энг яхши натижа эса

Учқун препарати таъсирида бўлиб, Испанская 73 навида мевалар сони ва массаси мос равишда назоратга нисбатан 13,4 % ва 12,2 %, референт препарат Вэрвага нисбатан 10,4% ва 10,0%га ортиши, Палов каду 268 навида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 13,4 % ва 12,2% ҳамда 10,3% ва 10,1% ни ташкил қилиши, ўсимликларни касалланиши ҳам камайиши кузатилган.

2-жадвал

Қовоқ баргларидаги хлорофилл миқдориغا биостимуляторларнинг таъсири (аралаш усул, 2020 йил).

	Намуналар	Эритма	Хл <i>a</i> ,	Хл <i>b</i> ,	Умумий хл (<i>a + b</i>)	Каротиноид миқдори <i>b</i> ,
		мл	мг/г	мг/г	мг/%	мг/%
Испанская 73						
1	Назорат	50,0	1,54	0,40	1,96(100)	0,71(100)
2	Госсипрен1л/г	50,0	1,66	0,48	2,12(108,2)	0,73(102,8)
3	Учқун 1л/г	50,0	2,16	0,64	2,80(143,3)	0,74(104,2)
4	Вэрва5л/г	50,0	1,68	0,48	2,14(109,3)	0,73(102,5)
Палов каду 268						
1	Назорат	50,0	1,44	0,36	1,76(120,6)	0,70(100)
2	Госсипрен1л/г	50,0	1,60	0,40	2,00(113,6)	0,71 (101,4)
3	Учқун 1л/г	50,0	2,00	0,56	2,52(145,4)	0,72(104,2)
4	Вэрва 5л/г	50,0	1,92	0,52	2,44(138,6)	0,72(102,8)


Фотосинтез жараёни асосан баргларда ва қисман ёш новдаларда содир бўлишининг сабаби уларда хлоропластларнинг борлигидир. Хлорофиллнинг синтези ҳам, бузилиши ҳам тирик хужайралардаги мураккаб модда алмашинув жараёнининг йуналиши асосида содир бўлганлигини асосланган ҳолда тажрибаларимизда Вэрва препаратига рақобатбардош бўлган маҳаллий Учқун ва Госсипрен биостимуляторларидан фойдаланиб, уларнинг хлорофиллар таркибига таъсири уруғларни экишдан олдин ивитиш, гуллашдан олдин пуркаш ва аралаш усулларда ишлов бериб аниқланди (2-жадвалга қаранг).

Олинган натижалар қўлланилган барча биостимуляторлар қовоқ баргларининг пигментлари миқдориغا ижобий таъсир қилишини кўрсатди. Биостимуляторларнинг асосий таъсир қилувчи моддаси полипреноллар ўсимликнинг яшил қисмида тўпланишини ҳисобга олган ҳолда илк бора қовоқ ўсимлиги полипреноллариغا биостимуляторларнинг таъсири таҳлил қилинди.

Бундан мақсад, табиий соф маҳсулот етиштиришда маҳаллий хом ашё базасидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйишдир. Бунинг учун дастлаб қуритилган қовоқ баргларида экстрактив моддалар йиғиндисини этил спирти билан анъанавий тиндириш усулида ажратиб олдик. Сўнгра препаратив юпқа қатламли хроматография усулида полипреноллар ажратиб олинди ва юқори самарали юпқа қатламли хроматографияси (ЮСЮҚХ) усулида таҳлил қилинди. Олинган натижалар қўлланилган биостимуляторлар

ишлов берилган ўсимлик баргларида полипреноллар миқдори назоратга нисбатан сезиларли ошганини кўрсатди, бу ўз навбатида ўсимлик ўсиб ривожланишида улар фаол қатнашишидан далолат беради.

Тадқиқотларимизни давом эттириб тоза ҳолда ажратиб олган полипренолларимизни ИҚ- спектрлари олинди (1-расмга қаранг).



1- расм. Қовоқ баргларидан ажратиб олинган ПШларнинг ИҚ - спектрлари

ПШларнинг ИҚ-спектрларида (ν , cm^{-1}) қуйидаги соҳаларда тегишли гуруҳларга хос ютилиш чизиқлари кузатилди: 836- $\text{C}-\text{H}_3$ –алмашган олефинларнинг деформацион тебранишлари, 1083-бирламчи аллил спиртининг $\text{C}-\text{O}$ гуруҳининг тебранишлари, 1377- $\text{C}-\text{H}_3$ гуруҳининг $\text{C}-\text{H}$ деформацион тебранишлари, 1469- $\text{C}-\text{H}_3$, $\text{C}-\text{H}_2$ гуруҳларининг $\text{C}-\text{H}$ деформацион тебранишлари кузатилди. Изопрен қолдиғининг $\text{C}=\text{C}$ тебранишлари эса 1666 cm^{-1} соҳада намоён бўлади, 2855 cm^{-1} даги ютилиш соҳаси эса $\text{C}-\text{H}_2$ гуруҳининг $\text{C}-\text{H}$ тебранишларини, 2924 cm^{-1} соҳа $\text{C}-\text{H}_2$, $\text{C}-\text{H}_3$ гуруҳларининг $\text{C}-\text{H}$ тебранишларини, 3339 cm^{-1} даги ютилиш соҳаси эса полимер ассоциатлари гидроксил гуруҳларининг тебранишларини характерлайди. Бу натижалар адабиёт натижаларига мос келади. Бу натижаларимиз асосида тажрибамизда қўллаган Учқун биостимулятори ўсимлик томонидан ўзлаштирилган ва ўсиш ривожланиши каби ўсимликнинг физиологик жараёнларида ижобий натижасини берган деб хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқотларимиз давомида қовоқ уруғининг унувчанлик энергияси ва ўсиб-ривожланишига биостимуляторлар таъсири ўрганилди. Натижада уруғларни экишдан олдин биостимуляторлар билан ишлов берилганда, Учқун препаратининг кўрсаткичлари назоратдан юқори ва ўсиш-ривожланишнинг дастлабки босқичларида Вэрва вариантыдан кам эмаслиги аниқланди. Тажриба намуналарида фенологик кузатувларда, қовоқнинг Испанская 73 нави уруғларининг 10 ва 75 фоизга униб чиқиши бўйича вариантларда бир-биридан сезиларли фарқланиш кузатилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Қовоқнинг Испанская 73 нави уруғининг униш энергияси ва дала унувчанлиги, % (2018-2020 йй)

№	Вариантлар	Экилган уруғ сони	Уруғ экилган сана	Униб чиқиш санаси	Униб чиқиш санаси		Унувчанлик (%)
					10%	75%	
1	Назорат (сув)	120	20.04	29.04	05.05	08.05	80
2	Госсипрен	120	20.04	28.04	04.05	07.05	90
3	Учқун	120	20.04	26.04	03.05	06.05	95
4	Вэрва	120	20.04	27.04	04.05	07.05	94

4-жадвал

Қовоқнинг Палов каду 268 нави уруғининг униш энергияси ва дала унувчанлиги, % (2018-2020 йй)

	Вариантлар	Экилган уруғ сони	Уруғ экилган сана	Униб чиқиш санаси	Униб чиқиш санаси		Унувчанлик (%)
					10%	75%	
1	Назорат (сув)	120	20.04	29.04	06.05	09.05	78
2	Госсипрен	120	20.04	28.04	05.05	08.05	89
3	Учқун	120	20.04	27.04	04.05	07.05	95
4	Вэрва	120	20.04	27.04	06.05	08.05	90

Ушбу кўрсаткичлар назорат вариантыда 15 ва 18 кунни, Учқун вариантыда 13 ва 16 кунни, Госсипрен ва Вэрва вариантыда 14 ва 17 кунни ташкил қилди. Палов каду 268 нави уруғларининг дала унувчанлиги аниқланганда, назорат вариантыда дала унувчанлиги энг минимал 78% билан қайд қилинди Госсипрен ва Вэрва вариантларида унувчанлик 89-90% оралиғида, Учқунда эса 95% ни ташкил қилди. Уруғларни 10 фоизга униб чиқиши Учқун вариантыда 14 кунда кузатилган бўлса, 75 фоизга униб чиқиши эса 17 чи кунда намоён бўлди(4-жадвалга қаранг)..

Тадқиқотларимизда маҳаллий Учқун биостимуляторидан ковок етиштиришда фойдаланиш давомида ишлатилиш меъёри бўйича регламент тайёрланди ва тажрибаларда биостимуляторлар билан ишлов бериш шу регламент бўйича амалга оширилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Учқун биостимуляторининг ишлатилиш меъёри регламенти

№	Препарат сарф меъёри	Ишчи эритма сарф меъёри	Ишлов бериш усули	Ишлов бериш сони
1	1 г/т	10 л/т	Уруғларга экишдан олдин ивитиш усулида ишлов бериш	1
2	0,1 г/л	300 л/га	Вегетация даврида баргларида пуркаш учун	1

Учқун препарати қовоқ ўсимлигини етиштиришда ишлатилганда унинг биокимёвий таркибининг яхшиланиши ва шу билан бирга ҳосилдорликнинг ошиши кузатилди. Бунда асосий таъсир қилувчи моддалардан бири сифатида Учқун препаратининг таркибидаги полипреноллар деб қараш мумкин бўлади¹.

6-Жадвалда ишлатилган 3 хил препаратнинг ишлатилиш миқдорлари ва улардаги полипреноллар миқдори келтирилган. Бунда, Вэрва препарати 5л/т, Госсипрен препарати 1 л/т ва Учқун препаратидан эса 1 л/т миқдорда ишлатилди. Берилган миқдорларни таққослаш шуни кўрсатадики, Учқун препарати таркибидаги полипреноллар иммуномодуляторлик хоссаларини намоён қилиши билан бирга синергетик хусусиятларини ҳамда ўсимликнинг ўсиш ҳамда ривожланишига, қолаверса ҳосилдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатишига олиб келишини аниқлашимиз мумкин.

6-жадвал

Қовоқ етиштиришда фойдаланилган биостимуляторлар таркибидаги полипреноллар ва препаратларнинг ишлатилиш миқдорлари

Препарат таркибидаги полипреноллар миқдори %		
Учқун	Госсипрен	Вэрва
60,0	30±3	3-5
Ишлатилиш миқдори л/т		
1,0	1,0	5,0

Диссертация ишининг “Биостимуляторларнинг қовоқ ўсимлиги таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига таъсири” номли тўртинчи бобида биостимуляторларнинг қовоқ ўсимлигининг биокимёвий кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига таъсири, қовоқ меваси таркибидаги витаминлар, каротинлар, углеводлар, оқсил, макро-микроэлементлар, уруғнинг ёғ кислоталари ва мойдорлигини аниқлашнинг замонавий усулларида фойдаланилди. Ўсимлик меваси таркибидаги витаминларнинг етарли миқдорда ҳосил бўлиши қовоқ мевасининг ижобий хусусиятларидан биридир.

Олинган натижаларни таҳлил қилганимизда иккала навда ҳам биостимуляторларнинг витаминлар миқдorigа ижобий таъсирини аниқланди ва Учқун билан ишлов берилганида Испанская 73 нави меваларидаги С витамин миқдори 1,74 мг ва Палов каду 268 навида 1,62 мг, назоратда эса 1,60 мг эканлиги аниқланди (7-жадвалга қаранг).

¹ Муаллиф ЎзР ФА С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими кимё фанлари номзоди Х.Н.Қудратовнага диссертация ишининг бажарилишида кўрсатган ёрдами учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради

Қовоқ меваси ва уруғи таркибидаги витаминлар миқдориға биостимуляторларнинг таъсири(аралаш усул 2020 йил).

Навлар	№	Вариантлар	Мева қисмлари	Витамин С (мг)	Витамин В ₂ (мг)
Испанская 73	1	Назорат	Мева	1,60	0,19
	2	Госсипрен 1 л\г	Мева	1,64±0,04	0,21±0,02
	3	Учқун 1 л\г	Мева	1,74±0,14	0,22±0,03
	4	Вэрва 5 л \г	Мева	1,64±0,04	0,21±0,02
	5	Назорат	Уруғ	0,35	0,45
	6	Госсипрен 1 л\г	Уруғ	0,45±0,01	0,47±0,06
	7	Учқун 1 л\г	Уруғ	0,48±0,13	0,51±0,06
	8	Вэрва 5 л \г	Уруғ	0,45±0,01	0,48±0,03
Палов каду 268	1	Назорат	Мева	1,59	0,17
	2	Госсипрен 1л\г	Мева	1,60±0,01	0,21±0,04
	3	Учқун 1л\г	Мева	1,62±0,03	0,21±0,04
	4	Вэрва 5 л \г	Мева	1,61±0,02	0,21±0,04
	5	Назорат	Уруғ	0,31	0,39
	6	Госсипрен 1л\г	Уруғ	0,41±0,01	0,47±0,06
	7	Учқун 1л\г	Уруғ	0,43±0,12	0,48±0,09
	8	Вэрва 5 л \г	Уруғ	0,42±0,11	0,47±0,08

Тадқиқотларимизда фойдаланилган биостимуляторларнинг қовоқ намуналаридаги β -каротин миқдориға таъсирини таҳлил қилишда Новосибирск давлат тиббиёт университети олимлари В.В.Величко, Д.С. Круглов томонидан спектрофотометрик усулда аниқланган, қовоқнинг “Лечебная” навларидаги каротин миқдори 3,50 мг ни ташкил қилишиға таққосладик. Тадқиқотларимиз натижасида Учқун биостимулятори таъсирида Испанская 73 навида бу кўрсаткич 4,13 (назорат 3,69) мг% ва Палов каду 268 навида 4,41(назорат 4,01) мг%. Шундай қилиб, Учқун препаратининг қовоқ мевасидаги каротин миқдориға ижобий таъсири аниқланди.

Қовоқ – истеъмол қилинадиган пектиннинг нисбатан арзон манбаидир. Ҳар хил қовоқ навлари меваларидаги пектин миқдори 0,25 % дан 0,86 % гача ўзгариб туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пектинни инсон

саломатлигини тикловчи, мутлақо токсикологик хавфсиз маҳсулот сифатида тан олган. Тажрибада олинган натижаларимизга кўра, Испанская 73 навида Учқун биостимулятори қўлланган вариантларда назоратга нисбатан 25 %, Вэрвага нисбатан 12,5% га, Палов каду 268 навида эса мос равишда 18,3 ва 8,3% га га кўплиги аниқланди (8-жадвалга қаранг).

8-жадвал

Қовоқ навлари меваси таркибидаги пектин миқдорининг ўзгаришига биостимуляторлар таъсири 2020 йил.

Вариантлар Навлар	Назорат		Госсипрен		Учқун		Вэрва	
	гр	%	гр	%	гр	%	гр	%
Испанская 73	6,4	100	6,9	107,8	8,0	125,0	7,2	112,5
Палов каду 268	6,0	100	6,4	106,7	7,1	118,3	6,6	110,0

9-жадвал

Қовоқ навлари мева ва уруғлари таркибидаги оксил миқдorigа биостимуляторлар таъсири 2020 йил (мг%).

Вариантлар Навлар	Назорат		Госсипрен		Учқун		Вэрва	
	мева	уруғ	мева	уруғ	мева	уруғ	мева	уруғ
Испанская 73	0,970	28,38	1,494	29,20	2,310	30,07	1,031	29,49
Палов каду 268	0,795	28,19	0,794	29,01	1,180	29,71	0,961	29,21


Ўсимлик оксиллари таркибига қарайдиган бўлсак, улар ферментатив хусусиятга эга бўлиб барча ферментларнинг асосини ташкил этади. Тадқиқотларимизда биостимуляторларнинг қовоқнинг мева ва уруғларида тўпланишига таъсири ўрганилди. Анализлар Кьельдал усули билан таҳлил қилинди ва қуйидаги натижалар аниқланди.

Олинган натижалар қовоқ мевасида ва уруғида оксил миқдори Испанская 73 да навида мос равишда Госсипрен биостимуляторида назоратга нисбатан 0.52% ва 0.82%, Вэрвада 0.06% ва 1.11%, Учқунда эса бу кўрсаткич 1.34% ва 1.69% га, Палов каду 268 навида Госсипренда меваси таркибида назорат билан бир хил, уруғида эса 1.18%, Учқунда мос равишда 0,39% ва 1.52%, Вэрвада 0.17% ва 1.02% га ортиши кузатилди. (9- жадвалга қаранг)

Маълумки, барча ўсимликлар таркибида ҳам микро ва макроэлементлар учрайди. Хужайрада моддалар алмашинувини таъминловчи Na ва K элементларига Учқун биостимулятори таъсирини таҳлил қилинганда бу кўрсаткичлар назоратда Na-2.001 мг/л ва K-164.0 мг/л бўлса, Учқун биостимулятори билан ишлов берилган намуналарда Na-3.191 мг/л ва K-186.4 мг/л га ортиши кузатилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Испанская 73 қовоқ меваси таркиби макроэлементлар миқдорлари.



3-расм. Палов каду 268 уруғи таркибидаги микроэлементлар миқдорлари.

Шуни таъкидлаш лозимки, қовоқ меваси ва уруғидаги макроэлементлар миқдори тубдан фарқ қилади. Мева таркибидаги Mg миқдори Испанская 73 навида назорат вариантыда 10,0 мг/л, биостимуляторлар таъсирида Госсипренда 11,53 мг/л, Учқунда 12,79 мг/л, Вэрвада эса 11,87 мг/л бўлиб, Испанская 73 нави уруғи таркибида бу кўрсаткич назоратда 365,5 мг/л, Госсипренда 376,7 мг/л, Учқунда 385,9 мг/л Вэрвада эса 376,5 мг/л ни ташкил қилди. Палов каду 268 нави уруғи таркибидаги микроэлементлар миқдори бўйича ҳам Учқун биостимуляторининг 1,0 л/т миқдорида ишлов берилган намуналарда Fe-6,976 мг/л, Zn-6,883 мг/л, Mn-2,571 мг/л, ва Cu-0,025 мг/л миқдorigа ижобий таъсир қилиши аниқланди(3- расмга қаранг).


Тадқиқот мақсадларидан бири аҳолини сифатли озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилишдир. Шу мақсадда қовоқнинг иккала нави Госсипрен, Вэрва ва Учқун биостимуляторининг оптимал

микдорларда қўлланилиши билан етиштирилганда уруғ мойдорлиги ва мой кислоталари таркиби таҳлил қилинди.

10-жадвал

Қовоқ навларида тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари микдорлари (ГСХ усули.)

№	Вариантлар	Σ тўйинган ёғ кислоталари	Σ тўйинган ёғ кислоталари %	Σ тўйинмаган ёғ кислоталари	Σ тўйинмаган ёғ кислоталари %
Испанская 73					
1	Назорат	21,17	100	78,83	100
2	Госсипрен	18,88	88,8	81,12	102,9
3	Учқун	17,02	79,4	82,98	105,2
4	Вэрва	18,14	80,8	81,86	103,8
Палов каду 268					
1	Назорат	21,51/	100	78,49	100
2	Госсипрен	18,97/	88,1	81,03	103,2
3	Учқун	17,89/	83,1	82,11	104,6
4	Вэрва	18,84/	87,5	81,16	103,4



4-расм. Палов каду 268 нави уруғи сифати ва физик кимёвий кўрсаткичлари.

4-расм ва 10-жадвалда қовоқ навлари уруғлари сифати ва физик-кимёвий кўрсаткичларига биостимуляторлар таъсирини натижалари келтирилган. Олинган натижаларга кўра, тўйинмаган кислоталар йиғиндиси бўйича Испанская 73 ва Палов каду 268 назоратга нисбатан мос равишда Учқун вариантыда 4,15% ва 3,62%, Вэрва 3,03% ва 2,67%, Госсипренда эса 2,29% ва 2,54 % ошиши кузатилди.

Олиб борилган дала тажрибаларида олинган маълумотларга асосан Андижон вилоятининг ўртача шўрланган тупроқ шароитида қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навларининг ҳосилдорлигини ошириш учун Учқун препаратининг оптимал концентрацияси 0,01% ва ишлов бериш усуллари аниқланди.

Қовоқ ўсимлигига аралаш усулда ишлов берилганда энг яхши кўрсаткичлар барча вариантларда Учқун биостимуляторининг 1 л/т сарфида (экишдан аввал) ва гуллашдан аввал 0,1 г/л микдорида пуркаш усулини

қўллаш натижасида кузатилди. Бунда, қовоқнинг Испанская 73 навида эса шртрача ҳосилдорлик 30,3 т/га қўшимча ҳосил 11,7 т/га ва Палов каду 268 навида ҳосилдорлик 31,1 т/га қўшимча ҳосил 12,2 т/га ни ташкил қилди (11-жадвалга қаранг).

11-жадвал

Биостимуляторларнинг қовоқ навлари ўртача ҳосилдорлигига таъсири (аралаш усул 2018-2020й)

	Вариант	Ҳосилдорлик (т/га)	Қўшимча ҳосил	
			(т/га)	%
Испанская 73				
1	Назорат	18,6	-	100
2	Госсипрен	28,6	10,0	153,7
3	Учқун	30,3	11,7	162,9
4	Вэрва	29,1	10,5	157,5
Палов каду 268				
1	Назорат	18,9	-	100
2	Госсипрен	28,9	10,0	152,9
3	Учқун	31,1	12,2	164,6
4	Вэрва	29,3	10,3	153,9

Бу натижалар Учқун биостимуляторини полизчиликда қўллаш учун тавсия қилишга асос бўлиб хизмат қилди.

ХУЛОСАЛАР.

1. Илк маротаба полиизопреноидлар асосида яратилган Учқун биостимулятори Андижон вилояти шароитида қовоқнинг Испанская 73, Палов каду 268 навларини етиштиришда самарали биостимулятор сифатида қўлланилган ҳамда қўллашнинг 3 хил усули ишлаб чиқилган.
2. Тажрибаларда “Учқун” биостимулятори таъсирида қовоқнинг Испанская 73, Палов каду 268 навлари мевасининг биокимёвий кўрсаткичларига концентрацияга боғлиқ равишда таъсир қилиши исботлаб берилган ва оптимал концентрация 0.01% эканлиги аниқланган.
3. Биринчи маротаба “Учқун” биостимулятор таркибидаги полипреноллар таъсирида қовоқ уруғининг униб чиқишида минерал моддаларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши натижасида ўсимлик ўсиб ривожланишининг жадалланиши ва касалликларга чидамлилиги ошиши исботланган.
4. Учқун биостимулятори таъсирида тажрибадаги қовоқнинг Испанская 73 ва Палов каду 268 навлари баргларидаги α -хлорофилл, полипреноллар, мева таркибидаги витаминлар, β -каротин, пектин, умумий оқсил, макро-микроэлементлар ҳамда қовоқ уруғининг мойдорлиги, тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори назоратга нисбатан концентрацияга боғлиқ равишда ортиши тасдиқланган.
5. Биринчи маротаба Учқун биостимуляторини аралаш усулда қўллаш, яъни уруғларни ивитиш ва вегетация даврида баргларга пуркаш асосида ҳосилдорлик референт препарат Вэрвага нисбатан Испанская 73 навида 1,2 т/га ҳамда Палов каду 268 навида эса 1,8 т/га юқори бўлиши аниқланган.
6. Шўрланган тупроқ шароитида Учқун препарати билан аралаш усулда ишлов берилганда қовоқнинг Испанская 73 навида ҳосилдорлик гектарига ўртача 30,3 тонна, қўшимча ҳосил эса 11,7 тонна, Палов каду 268 навида ҳосилдорлик гектарига 31,1 тоннага ортиб, қўшимча ҳосил 12,2 тоннани ташкил қилиши тасдиқланган.

Ишлаб чиқаришга тавсиялар:

- Андижон вилояти полизчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига қовоқдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун қовоқ навларини 20 апрелдан 1 майгача экиш;
- шўрланган тупроқ шароитида қовоқ етиштиришда полиизопреноидлар асосида яратилган Учқун биостимулятори 1 л/ т миқдори билан қовоқнинг уруғларига ишлов бериш ва вегетация даврида баргларига пуркаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/05.06.2020. В.91.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

КОСИМОВА ШАИРАХОН МИРЗАХАМИТОВНА

**ВЛИЯНИЕ БИОСТИМУЛЯТОРА УЧКУН НА ПЕРСПЕКТИВНЫЕ
СОРТА ТЫКВЫ ИСПАНСКАЯ 73 И ПАЛОВ КАДУ 268**

**02. 00. 10 – Биоорганическая химия
АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Гулистан – 2023

УДК 577.124.5+631.531+635.62

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Косимова Шаирахон Мирзахамитовна

Қовоқнинг истиқболли Испанская 73 ва Палов каду 268 навларига Учқун биостимуляторининг таъсири..... 3

Косимова Шаирахон Мирзахамитовна

Влияние биостимулятора Учқун на перспективные сорта тыквы Испанская 73 и Палов каду 268. 23

Kasimova Shairaxon Mirzahamitovna

The influence of biostimulator uchkun for perspective pumpkin's varieties as Spanish 73 and Palov kadu 268..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В.2021.2.PhD/V589.

Диссертация выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий и в Институте химии растительных веществ Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.guldu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

- Научный руководитель:** **Баратова Мохидил Рахимовна**
кандидат биологических наук, доцент
- Официальные оппоненты:** **Алланиязова Мапруза Кдырбаевна**
доктор биологических наук, профессор
- Бабаева Дилдора Гуйгуновна**
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
- Ведущая организация:** **Ташкентский аграрный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc. 03/05.06.2020. В.91.03 при Гулистанском государственном университете (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-микрорайон. Тел. (99867) 2254275, факс (67) 225-40-42) email: glsu_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-квартал. Тел. (99867) 2254275, факс (67) 225-40-42) email: t_juraev@mail.ru)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.
(реестр протокола рассылки ____ от _____ 2023 года).

Х.Х. Кушиев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., проф.

Т.А.Джураев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, PhD, доц.

Н.Р. Хашимова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире повышение устойчивости сельскохозяйственных растений к внешним стрессовым факторам и получение высокого и качественного урожая относятся к числу вопросов стратегической важности. Это позволит избежать экономического кризиса, вызванного нехваткой продовольствия, за счет удовлетворения потребностей растущего населения в продовольствии. Известно, что существует огромное количество химических препаратов (стимуляторы, гербициды, ретарданты и др.), применяемые или испытываемые в сельском хозяйстве для защиты растений от внешних биотических и абиотических факторов. При этом имеет важное значение выявления природных физиологически активных веществ, контролирующих рост и развитие растений и обладающих биостимулирующими свойствами.

В мире ведутся исследования по созданию экологически чистых препаратов для улучшения качества продукции на основе определения механизма действия физиологически активных веществ. В связи с этим особое внимание уделяется изучению природных физиологически активных веществ, выявлению экологически безвредных и повышающих устойчивость растений препаратов на основе природных физиологически активных соединений, изучению их молекулярной структуры и механизмов с целью создания препаратов, обладающих свойством повышения активности иммунной системы культурных растений, а также продуктивности и качества урожая.

В нашей стране сегодня особое внимание уделяется внедрению научных и инновационных достижений в области выращивания экологически безопасной продукции растениеводства. Достигнуты определённые научные результаты в отношении роста и развития растений, а также управления устойчивостью к внешним стрессорам на основе молекулярно-генетических методов. Стратегии развития нового Узбекистана определены задачи «Стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений». В связи с этим важным является выявление и применение на практике препаратов, созданных на основе природных соединений, способствующих росту и развитию растений и повышающих устойчивость к внешним стрессовым факторам, что имеет важное значение для развития продовольственного обеспечения.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан ПП-4239 от 14 марта 2019 года «О мерах по развитию сельскохозяйственной кооперации в области плодоовощного производства» по модернизацию и опережающему развитию сельского хозяйства в пункте 3.3; УП-4406 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию пищевой

